

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капиталини қўпайтиришга 419,2 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,3 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қўйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	419,2	103,3	100,0
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	126,7	60,5	30,2
бюджет маблағлари	7,6	102,5	1,8
давлат мақсадли фонд маблағлари	8,0	39,7	1,9
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	111,1	66,9	26,5
Марказлашмаган инвестициялар	292,5	145,8	69,8
корхоналарнинг ўз маблағлари	132,7	195,1	31,7
аҳоли маблағлари	111,4	133,5	26,6
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	15,7	59,8	3,7
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	32,7	106,4	7,8
бошқа турдаги инвестициялар	-	-	-

2017 йил январь-март ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби күйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	419,2	31,9	387,2
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
курилиш-монтаж ишлари	75,5	55,8	77,1
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	21,5	40,1	19,9
Бошқа ҳаражатлар	3,0	4,1	2,9

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-мартга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 8,7 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 8,3 фоизли пунктга камайган лекин бошқа ҳаражатларнинг улуши 0,4 фоизли пунктга кўпайган.

Асосий капиталган киритилгандын инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуидагида ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш

2017 йил январь-мартида умумий майдони 173,6 минг кв.м. бўлган 1414 та (2016 йил январь-мартига нисбатан 111,8 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 128,7 минг кв.м. (106,6 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш

соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 97,0 млрд. сўми ёки 72,6 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 37,3 км узунликдаги ичимлик суви, 4,1 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 122,7 ва 95,3 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобидан 497,9 млн. сўм, газ тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобидан 43,8 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-мартда 271,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 112,2 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 68,1 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 14,8 фоизи фуқаролик қурилиши обьектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 17,1 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 74,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 258,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,4 фоизни (2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 113,7 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

